

Кийиб-кийиб тўздиргин

07:49 / 26.12.2018 4673

Умму Холид бинти Холид розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хамийса беришди. У зот: **«Бу хамийсани кимга раво кўрасизлар?» деб сўрадилар. Ҳеч ким индамади. Шунда: «Умму Холидни келтиринглар»,** дедилар. Умму Холид келганларидан кейин у зот хамийсани муборак қўллари билан кийдирдилар ва: **«Кийиб-кийиб тўздиргин»,** деб икки марта айтдилар.

Имом Бухорий ривояти.

Хамийса – ипак ёки жундан тўқиладиган, қалин тўртбурчак эн кийим. Ундан устки кийим сифатида фойдаланилган ва у ётоқда ёпинчиқ вазифасини ҳам бажарган.

Имом Нававийнинг “Ал-Азкор” китобидан